ЭШҚОБИЛ ШУКУР ШЕЪРИЯТИДАГИ ТУПРОҚ МЕТАФОРАЛАР ТИЗИМИ

Улдона АБДУРАҲМОНОВА
таянч докторант
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон
uldana.abdurahmanova@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек шеъриятининг ёрқин намоёндаларидан бири Эшқобил Шукур шеъриятидаги тупроқ метафоралар тизими таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: “Ҳамал айвони”, “Кўз юмиб кўрганларим”, “Акам келяпти”, тупроқ, инсон. тонг, бедазор, шудринг, сингил

СИСТЕМА МЕТАФОР ЗЕМЛИ В ПОЭЗИИ ЭШКОБИЛА ШУКУРА

Улдона АБДУРАХМОНОВА
Базовый докторант
Ташкентского государственного университета
узбекского языка и литературы имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан
uldana.abdurahmanova@mail.ru

Аннотация

В настоящей статье анализируется система метафор земли в поэзии одного из ярких представителей узбекской поэзии Эшкобила Шукура.

Клюевые слова: “Веранда хамала”, “С закрытыми глазами”, “Брат идет”, земля, человек, рассвет, пшеничное поле, роса, сестренка.

Инсон ўз атрофини ўраб турган борлиқ ва йўқлик оламидаги барча нарса – коинот, сайёралар, зарра, вақт, тўрт унсур (сув, ҳаво, тупроқ, олов), ҳайвонот, наботод, мавжудлик ва мавжуд эмаслик, бани башар, уларнинг

тақдирлари, кечинмалари, қувонч-изтиробларини билишга интилар экан, аввало, ўз ҳаёти моҳиятини тушунишни истайди. Ижодкорларнинг миссияси эса бу англамларни англатиш, сезимларини сездириш, билганларини билдиришдан иборатдир.

Бу борада шарқ тафаккури ва ўзбек фолькоридаги универсал тимсоллар асосида бунёд бўлган Эшқобил Шукур шеъриятидаги тупроқ метафоралар тизими ҳам яхши мисол бўлади. Тупроқ – жаҳон бадиий тафаккурида, хусусан, шарқ адабиётида ҳам **тириклик, ҳаёт, жамият, инсон, Ватан, йўл, синов, имтиҳон, чегара, ҳад** каби хилма-хил тимсолларни англатади, шу билан боғлиқ мотивларни ифодалайди ва буларнинг барчаси Эшқобил Шукур шеъриятига ҳам асос бўлган.

Шоир шеъриятида дала, дашт, бедазор, йўл, лой, хок, кўза, кулол, деҳқон, чўпон каби бир-бири билан уйғун образлар борки, уларнинг барчаси яхлит композицияни, бир бутун гармонияни ташкил қилади. Биз булардан фақат биттаси – **яшил бедазор метафораси** замиридаги маъно юкламаларини қисман таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Дала-ю дашт – ҳаёт манзили, тириклик макони, кенглик сарҳади. Бу дунёдаги кўҳна далада Одам ва Ҳаводан то ҳозир, шу сонияда туғилган одамзодга қадар ўз экинини экади, аммо арпа сепган буғдой ўрмайди. Шоир асарларидаги мазкур ўрин-жой символини таҳлил қиларканмиз, **“яшил”** сифатига ва “**шудрингли бедазор**” метафорасига тез-тез дуч келамиз. Ижодкор ҳайратининг сўзга эврилган ҳосиласи бўлган бу образ шеърдан шеърга улғайиб боради.

Яшил – кўклам, ёшлик, навқиронлик, янгиланиш, яшариш тимсоли (“яшил” ва “ёшлик” сўзларининг ўзаги бир). Эшқобил Шукур шеърларида ҳам дастлаб бу анъаналарга амал қилинади. Бир мисол – 1984 йилда ёзилган, “Ҳамал айвони” тўпламига киритилган “Титроқ новдаларда уйғонар ҳаёт...” сатри билан бошланувчи шеърда баҳор нафаси “*яшил туйғулар*” тарзида ифодаланган: “*Яшил туйғулардан чайқаласан шод, февраль ўтиб борар,*

яқинлашар март”. Ёки 1988 йили нашр қилинган “Сочлари сумбул-сумбул” тўпламидаги “Боймоқлида баҳор” шеъридаги лойсувоқ томда меҳмон бўлган кўклам манзараси тасвирида (“*Яшилланган томлар устида келинлардай титрар қизғалдоқ...”)* ҳам худди шу анъана изидан борилади.

Кейинроқ эса шоир шеърларида ўз умридан яшиллик моҳиятини излаш (“*Ёстиқнинг устида судралади онг: нега тонгнинг қўли ям-яшил?..*”) босқичи бошланади. Ва, эҳтимол, яшил ранг шу саволларга жавоб ўлароқ кўклам ва ёшлик тимсолларига бир қарашда унча ҳам мувофиқ бўлмаган “қон”, “кўз ёш”, “ўлим” каби тушунчаларни сифатлай бошлайдики, бу билан **ўлимдан кейинги ҳаёт – боқий тирилиш ҳодисаси**ни тамсил қилувчи мутлақо янги метафоралар тизими бунёд бўлади...

Айни шу поэтик идрокнинг яна бир ифодаси “яшил”, “ёшлик”, кўзёш” метафораларининг бир ўринда – бедазор ўрин-жой символида бирлаштирилганида кўринади. Гарчи “яшил” сўзи ўзагидаги “ёш” (давр) ва “ёш” (кўзёш) сўзлари омоним бўлса-да, Эшқобил Шукурда улар, таъбир жоиз бўлса, синоним вазифани бажаради.

Бунда тонг, субҳи-саҳар – ёшлик, шудринглар эса кўз ёшлар рамзи бўлиб келади. Дейлик, “Тонгги бедазор” шеърида шудринг “*тун қизларин биллур кўз ёши*”, “Субҳи саҳар”да “*мўъминлар кўз ёши – гавҳар шудринглар*” деб сифатланади ва бу шудринглар ғуборли юракни ювишига ишора қилинади. “Субҳи саҳар” шеърларида ҳам худди “Тонгги бедазор” каби шудринг қўнган бедазор тасвири тонготар фонда гавдаланиши ҳам бежиз эмас. Бунинг натурал мантиғи – шудрингнинг кун қиздиргунча, асосан тонгда яшашида, субҳидамдаги шудрингли бедазор образининг тугал маъноси эса инсон қалбига, руҳига ибодат билан кириб келадиган янгиланиш тўлқинини англаш ва англатишда намоён бўлади:

“Кўнгилга хуш келдинг, эй субҳи саҳар,

Уйғот ухлаб ётган томирларимни.

Мўъминлар кўз ёши – гавҳар шудринглар,

Ювсин ғубор чўккан бағирларимни”.

Кейинги сатрларда эса субҳи саҳарга (руҳга сингаётган субҳий янгиланиш, маънавий покланиш оқимига) қалб эшиклари, юрак деразалари очилаётгани англанар экан, бирдан болаликда йўқотилган сингил излови ҳам қўшилади:

“Очай эшикларни, деразаларни,

Масиҳ нафасингни май каби ичай.

Олис болаликда йўқотиб қўйган

Синглимни топгандай мен сени қучай”.

Шунингдек, “Кўз юмиб кўрганларим...” туркумида ҳам “*кўз ёшдай сочилган олмос шудринглар*”га беланган дала фонида худди шу – бир қадар сирли, йўқотилган сингил образига гувоҳ бўламиз:

“Бир далани кўрдим,

олмос шудринглар

кўз ёшдай сочилган

шудрингзор дала,

Унинг осмонига белбоғ – камалак.

Камалак ичида сузиб борарди

жуда эрта ўлган муштипар синглим.

Дала ўртасида ҳайрон турарди

менинг болалигим дафн этилган Кун”.

Хўш, шудринг қўнган тонгги бедазор тасвири билан болаликда йўқотилган сингил образи ўртасида қандай боғлиқлик, қандай сир-асрор бор? Нега сингил образи айнан тонг, бедазор ва шудринг тасвирлари билан бирга гавдаланмоқда? Сингил образи ҳамиша кўз ёшлар (шудринглар) ичида бўй кўрсатишининг синоати нимада?..

Бу саволларга жавоб топишдан аввал “Нақшбанд” достонида келган шудринг образининг қуйидаги бироз ноодатийроқ талқинига тўхталсак:

“...Шудринглар тошига битилган битик,

Қақнус юрагида яшалган ўлим...”.

Яъни Нақшбанд ҳақидаги битик (Баҳоуддин Нақшбанд мангу қўним топган манзил-маконда кўнгилдан ўтган ўйлар) ҳам кўз ёш маҳсули. Фақат бу битикларни ўзига жо қилган кўз ёшлар шу қадар ҳалимлик ҳосиласики, бу худди тошнинг шудрингга айлангани кабидир. Шунинг учун ҳам бу ҳолат “қақнус юрагида яшалган ўлим”га (жаҳон адабиётда, хусусан, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида афсонавий қуш – қақнуснинг куйдан оловга айланиб, шу олов ичида йўқ бўлиши ва янгидан яралиши хусусида мукаммал таъриф берилгани кўпчиликка маълум бўлиб, қақнус – абадий ҳаёт (туғилиш – яшаш – ўлим – қайта тирилиш) тимсолидир) менгзалмоқда. Яна бир талқин – аввалги шеърларда шудрингга “олмос”, “гавҳар” сифатлашлари кўп қўлланилганини инобатга олсак, бу ўринда “*шудринглар тоши*” ибораси кўз гавҳарини ҳам англатаётганини илғаш қийин эмас.

Энди юқорида айтганимиз – шудринг қўнган тонгги бедазор тасвири билан болаликда йўқотилган сингил образи ўртасидаги боғлиқлик масаласига тўхталсак, шоир ижодидаги, кўнгил дунёсидаги бу жумбоқ чиндан ҳам сирли, серқатлам. Бу сир қатламининг фақат битта калитини “Ёшлик” журналининг 2018 йил 7-сонида чоп қилинган “Акам келяпти” ҳикоясидан топгандек бўламиз. Муслимлик ва мўъминликнинг муҳим шартларидан бўлган, наинки инсоннинг ҳаётига мазмун, балки жамиятга саодат ҳам келтирадиган “силаи раҳим” тушунчасининг энг гўзал намоёнларидан бири бўлган ака-сингил меҳри, улар руҳиятидаги боғлиқлик – бирбутунлик, қон, она сути, она алласи билан кирган, тан-у руҳга сингиб кетган “акалик масъулияти”, “сингиллик бурчи”дан сабоқ берувчи бу гўзал ҳикоянинг ўзи алоҳида тадқиқотни талаб қилгани боис, биз фақат ҳикоя қаҳрамони (ижодкорнинг синглиси) беш яшар Хосиятнинг кўкламда, тонгда йўнғичқаларнинг (бедаларнинг) тангадай баргларига олмосдай осилган шудринглар ичида – олмос тўкилган ям-яшил бахмалдай ярқираб ётган

йўнғичқазор (бедазор) ичида – ғаройиб ям-яшил кенглик устида қизил капалакка айланган митти шамолдай югуриб бораётган тасвири бутун асар бўйлаб “қизил ип” бўлиб ўтишига эътибор қаратиш билан кифояланамиз.

Асар бошидаги бу тасвир ҳикоя орасида бир-бир кўриниш бераро қ якунда ижодкорнинг қалб кўзи билан бутун борлиқни қамраб олади: “*Ташқарида мен билган ҳаётдан бошқа ҳаёт борлигини сезиб турардим. Ўрнимдан турдим-да, қучоқ-қучоқ нур тўкилиб ётган девор-дераза томон бордим. Деразадан нарида... ўн бешинчи қаватнинг деразалари пойига туташиб кетган ям-яшил йўнғичқазорни кўрдим. Воажаб... Пастда шаҳар йўқ эди... Ҳамма томон қуёш нурида ярқираб ётган ям-яшил йўнғичқазор эди. Узоқдан отам ва бобом қўлини пешонасига соя қилиб мен томонга қараб туришарди. Йўнғичқазор узра сокин бир мусиқа каби ўша ёқимли овоз тараларди: А к а м к е л я п т и!”.*

Яна ўша савол: нега Эшқобил Шукур ижодида яшиллик, ёшлик, тонг тасвирларида йўқотилган сингил образи ва ўлимни эслаш бор? Бу – ёлғиз Яратганга ва шоирнинг ўзига аён. Билганимиз шуки, шоир вақтли матбуотдаги суҳбатларидан бирида ҳам шу ҳикоянинг ёзилиш тарихи сўралганида, ҳамма сирни ошкор қилмаган. Хусусан, ижодкор “Оила даврасида” газетасининг 2020 йил 42-сонида чоп қилинган суҳбатида бу ҳикоянинг ёзилиш тарихи ҳақида айтар экан, “*...Сергелида машина бозоридан нарироқда бир дўкон ёнида машина ичида ўғлимни кутиб ўтирган эдим. Эрта ўтиб кетган синглимни эсладим. Бирдан бир туйғу келди. Бу туйғу томоғимга тиқилиб қолди. Ҳаёт ва ўлим орасидаги сирни ҳис қилгандай бўлдим. Кўзларим жиққа ёшга тўлди. Менга ишонинг, шу ҳикоя бир неча лаҳзаларда бор шаклу шамойили билан кўриниш берган. Буни тушунтириб бўлмайди. Инсон хотираси ва туйғулари сиру синоатларининг тубига етиб бўлмайди. Яна бироз тафсилотларини айтсам, кимлардир олифтагарчилик қиляпти, ўзини кўрсатмоқчи бўляпти деб ўйлашади.*

Яхшиси, ўзим учун азиз бўлган нарсани кўп ҳам очмаганим маъқул. Зарур бўлганда ўзингни яширишинг керак”, дея қисқа изоҳ берган.

Биографик метод билан таҳлил қилинса, шоир асарларида яққол ажралиб турадиган “**шудрингли бедазор**” мотиви Хосият сингил образи билангина тугал маънога эга. Бу – шоирнинг болалик ҳайрати ҳосиласи эканини, уни ўша вақтда ўраб турган олам Хосият сингил билан бус-бутун бўлганини, сингил бу ёруғ оламни тарк этиши билан шу бус-бутунликка дарз кетганини, шоир шундан буён ўз ҳаётидаги ўша тугаллик, маъсумлик ва беғуборликни соғиниб яшашини, бу соғинчлар ўз ўлимини эслаш билан уйғун келгани туфайли ҳам кўз ёшларга айланишини (“*Менда еру осмон, ой ва қуёш бор эди/томчи кулгу, кўза кўз ёш бор эди/юрак деган гултуғар тош бор эди...*”), айни шу боис у синглисини доим баҳор тонгидаги шудрингли бедазорда тасаввур қилишини, шу соғинч унинг қалб ғуборларини ювишини, руҳан-маънан поклашини ва асосийси шоир учун ҳам ўлим – мангу ҳаётга, синглиси билан яна учрашишга очилган эшик эканини англагандек бўламиз.

Структур таҳлил методи билан қаралса, Эшқобил Шукур асарларидаги бедазор дала (дашт) образи – инсон қалби, баҳор ва тонг – руҳий янгиланиш ва покланиш, шудринг – ҳалимлашган қалб кўзёшлари, ака-сингил – ор-номус рамзи экани ойдинлашади. Олмос-у гавҳар шудринглар англатаётган бу кўз ёшларда кучли бир ожизлик борки, бу ўзининг бир ожиз бандалигини, тақдир чархпалаги изми Яратганнинг изнида эканини англаш, ҳар бир тонгни бир имтиҳон деб билиш демакдир. Шу синовдан ўтишга уриниш эса қалбан улғайиш ва руҳан тозариш асоси – тавба йўлидир:

“Билдим руҳ рўёмас, қон ҳам эмас жон,

Кўз ёшлар сув эмас, нон эмас виждон:

Одам ҳеч эт эмас, хокмас бу жаҳон!”.

Шоир асарларидаги бу фикрлар ҳам шарқ-ислом тафаккуридаги ҳаёт низомларига асосланади. Бу борада ҳадиси шарифларда ҳам ёлғиз ўзи қолганида Аллоҳдан қўрқиб, чин қалбдан кўз ёш тўкиш – одамзот учун улуғ

бир ибодат экани айтилиб, айни шундай инсонларга мангу ҳаловат ва фароғат марҳамат қилинганини эслашнинг ўзи кифоя.

Эшқобил Шукур шеъриятида бу каби мисолларни кўплаб келтириш, тимсолларни яна бошқа-бошқа аспектларда шарҳлаш мумкин. Асосийси, бу шеъриятдаги йўл, соя, дала, дарахт, сув, тош, дарё, лаҳза ва бошқа метафоралар бир тизимга келтирилса, инсоннинг яхлит бадиий образи гавдаланади ва бу Инсон образи мумтоз лирикамизга хос ҳайрат тушунчасига асосланиши маълум бўлади. Бу лирик образларнинг, янги-янги метафораларнинг ҳеч бир ижодкор асарларига ўхшамаслиги, рамзлар кўлами кенглиги, тафаккур сатҳи чуқурлиги, тасаввур даражаси баландлиги, сўз қўллаш ва лирик ифода индивидуаллиги янги давр ўзбек шеъриятидаги ўзига хос ҳодиса сифатида махсус тадқиқ қилишни тақазо этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий, МАТ, 12-том, Лисонут-тайр, Фан, Т.: – 1996.

2. Эшқобил Шукур, Ҳамал айвони, Т.: Шарқ, 2002.

3. Эшқобил Шукур. Кўз юмиб кўрганларим. Тошкент, “Akademnashr”, 2013.

4. Эшқобил Шукур, Акам келяпти, Ёшлик, 2018 йил, 7-сон.

5. Эшқобил Шукур, Сочлари сумбул-сумбул, Т.: Адабиёт ва санъат, 1988

6. “Тарихни шамолга мухрлаб бўлмайди”, “Оила даврасида” газетаси, 2020 й. 42-сон, 5-бет